

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН**  
**Ҳ У К М**

2022 йил июль ойининг “08” куни, Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Юқоричирчиқ туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

Раислик қилувчи: А.Нармухамедов,

Судья ёрдамчиси Н.Артикбаеванинг котибалигида, тарафлардан: давлат айбловчиси, Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туман прокурорининг ёрдамчиси М [REDACTED]

[REDACTED] ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] 1981 йил 21 мартда Тошкент вилоятида туғилган, миллати қozoқ, ўзбек тилида эркин сўзлаша олади, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оиласи билан ажрашган, икки нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, “Марказий” маҳалласи, Марказий кўчаси, рақамсиз уйда истиқомат қилади, иш бўйича 2022 йил 06 май куни “қamoқ” эҳтиёт чораси қўлланилган айблов далолатномаси нусхасини 2022 йил 13 июнь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 122-моддасининг 1-қисми билан айбланган:

Суд, судланувчи ва жабрланувчини кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И:**

[REDACTED] йил 12 июндаги қарорига кўра Умирзакова Гулжамал Илесбаевнанинг фойдасига икки нафар вофга етмаган фарзандларининг таъминоти учун ойлик иш ҳақининг 1/3 қисми миқдориди алимент ундириш белгиланган бўлсада, Е.Мирзакулов вояга етмаган фарзандларини моддий таъминлашдан бўйин товлаб келгани учун жиноят ишлари бўйича Юқоричирчиқ туман судининг 2021 йил 20 октябрдаги қарорига кўра МИЖТКнинг 47<sup>4</sup>-моддаси 1-қисми билан 15 сутка маъмурий қamoқ жазосига тортилган бўлишига қарамай, қўлланилган жазодан тегишли хулоса чиқармасдан, ундирилиши лозим бўлган маблағни икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўлашдан қастдан бўйин товлаган.

Давлат ижрочисининг 2022 йил 15 июндаги алимент қарзини ҳисоблаш қарорига кўра [REDACTED] алиментдан бўлган қарзи 68.014.570 (олтмиш саккиз миллион ичн тўрт минг беш юз етмиш) сўмни ташкил этиши кўрсатилган.

Судланувчи [REDACTED] (Mirzakulov Erali Xursanaliyevich), суд мажлисида айбига тўлиқ иқроп бўлиб, ҳақиқатдан ҳам



\_\_\_\_\_ билан 2002 йилда қонуний никоҳ рўйхатидан ўтиб, турмуш қурганлигини, ўрталарида икки нафар фарзандлари борлигини, Юқоричирчиқ туманлараро судининг 2015 йил 12 июндаги қарорига кўра \_\_\_\_\_ фойдасига икки нафар вофга етмаган фарзандларининг таъминоти учун ойлик иш ҳақининг 1/3 қисми миқдорида алимент ундириш белгиланган бўлиб, у вояга етмаган фарзандларини моддий таъминлашдан бўйин товлаб келгани учун жиноят ишлари бўйича Юқоричирчиқ туман судининг 2021 йил 20 октябрдаги қарорига кўра МЖТКнинг 47<sup>4</sup>-моддаси 1-қисми билан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланганлигини, ушбу жазони ўтагандан кейин ҳам моддий томондан қийин аҳволда эканлиги ва ишламаганлиги сабабали алимент пулларини тўлай олмаганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, уни оилавий аҳволини, муқаддам судланмаганлигини инобатга олиб, унга нисбатан енгиллик беришни сўраб, кўрсатув бериб ўтди.

Судланувчи \_\_\_\_\_ унга нисбатан эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатувлар бериб ўтса-да, уни мазкур жиноятни содир этганликдаги айби суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчининг қонуний вакилининг қуйидаги кўрсатувлари билан ўз тасдиғини топади.

Жумладан, жабрланувчи \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ 2002 йил турмуш қуришиб, ўрталарида икки нафар фарзандлари борлигини, турмушлари давомида кўп маротаба уришиб, тўполонлар бўлганлигини ва ўзаро яшамай қўйганликларини, сўнгра судга алимент ундириш ҳақида ариза билан мурожаат қилиб, фуқаролик ишлари бўйича Юқоричирчиқ туманлараро судининг 2015 йил 12 июндаги қарорига \_\_\_\_\_ уни фойдасига икки нафар вофга етмаган фарзандларининг таъминоти учун ойлик иш ҳақининг 1/3 қисми миқдорида алимент ундириш белгиланган бўлсада, \_\_\_\_\_ вояга етмаган фарзандларини моддий таъминлашдан бўйин товлаб келгани учун жиноят ишлари бўйича Юқоричирчиқ туман судининг 2021 йил 20 октябрдаги қарорига кўра МЖТКнинг 47<sup>4</sup>-моддаси 1-қисми билан 15 сутка маъмурий қамоқ жазосига тортилганлигини, ушбу жазодан кейин ҳам \_\_\_\_\_ алимент пулларини тўлашдан бўйин товлаб келишини, судланувчи Е. \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ қилишини, Е.Мирзакуловдан унга моддий зарар ундиришни ва унга нисбатан қонуний жазо белгилашни сўради.

Суд, ушбу жиноят иши юзасидан тўпланган иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, юқорида қайд этилган судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларига Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 95, 112-моддалари талаблари бўйича баҳо бериб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни ҳамда тергов материалларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 22-моддаси талаблари асосида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текшириб чиқиб, судланувчи Мирзакулов Ерали Хурсаналиевичнинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айби қуйидаги рад этиб бўлмайдиган далиллар билан, яъни жиноят иши ҳужжатларидаги, жиноят иши қўзғатиш ҳақидаги қарор /и.в.1/, суд буйруғи, /и.в. 3/, суд қарори /и.в.20-22/, оғҳлантириш хати /и.в.31/ ва жиноят ишидаги бошқа объектив далиллар билан исботини тўлиқ топади деб ҳисоблайди.



Суд, судланувчи [REDACTED] жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, унинг моддий ёрдамга мухтож бўлган вояга етмаган фарзандларини моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жаъми бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин тўламасликдаги жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 122-моддасининг 1-қисмида ифодаланган жиноят аломати билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги 7-сонли “Суд ҳукми тўғрисида”ги (Олий суди Пленумининг 2018 йил 19 майдаги 16-сонли қарорига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) қарорининг 28-бандида, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ҳақида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1, 3-бандларида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига қатъий амал қилишга қаратилиши, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги” ҳақида тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасида, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди. Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги назарда тутилган.

Суд, судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда, уни ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини, шахсини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, шунингдек унинг жабрланувчига етказилган зарар қопламаганлиги ва унинг судланувчига нисбатан даъвоси борлиги, қонуний жазо белгилаш ҳақидаги талабини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларни ҳамда жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражасини, Мирзакулов Ерали Хурсаналиевичнинг шахсини инобатга олиб, уни жамиятдан



ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони йўқ деган қатъий хулосага келган ҳолда, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 122-моддаси 1-қисми билан ушбу модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топади.

Шу билан бирга суд, [REDACTED] тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ тартибини белгилашга тўхталар экан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 50-моддаси 7-қисми “а” бандида, “ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинояти учун ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони манзил колонияларда ўташ тайинланади” - деб белгиланганлигидан келиб чиққан ҳолда, унга нисбатан ушбу ҳукм билан тайинланадиган озодликдан маҳрум этиш жазосини манзил колонияда ўтатиришликни белгилашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Шунингдек, суд жабрланувчига алимент пулларини ундириш масаласи бўйича фуқаролик судининг суд буйруғи ўз кучида эканлигини ва ушбу суд буйруғига асосан ижро ҳаракатлари амалга оширилаётганлигини инобатга олишни лозим топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473 моддаларига амал қилиб, суд

### **Ҳ У К М Қ И Л А Д И:**

[REDACTED]  
Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 122-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилсин ва унга ушбу модда билан **1 (бир) йил** муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазони манзил колонияларда ўташлик белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2022 йил 06 май кунидан бошлаб ҳисоблансин.

[REDACTED] қўлланилган эҳтиёт чораси аслича, “қамокда сақлаш” қолдирилсин.

Жабрланувчига алимент пулларини ундириш масаласи бўйича фуқаролик судининг суд буйруғи ўз кучида эканлигини ва ушбу суд буйруғига асосан ижро ҳаракатлари амалга оширилаётганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кунидан эътиборан, маҳкум ҳамда жабрланувчи эса ҳукм нусхаси (ҳукмнинг кўчирмаси)ни олган кунидан бошлаб, йигирма сутка ичида Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция судлов ҳайъатига апелляция шикоятни ёки апелляция протести келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

**Раислик қилувчи**

**А.Нармухамедов**



